

FARG'ONA VILOYATI
HOKIMINING
QARORIПОСТАНОВЛЕНИЕ
ХОКИМА
ФЕРГАНСКОЙ ОБЛАСТИ

2017 yil " 30 DEKABRЬ № 631

Farg'ona shahri

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2017 йил 28 декабрдаги ПФ-5290-сонли Фармони тўғрисида

2018 йилда фуқароларнинг расмий саналарни нишонлаш даврида тўлиқ дам олиши учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш ва дам олиш, байрам кунларидан оқилона фойдаланиши, шунингдек, ички туризмни янада ривожлантириш юзасидан қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 декабрдаги ПФ-5290-сонли Фармони ижросини таъминлаш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 декабрдаги “2018 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида”ги ПФ-5290-сонли Фармони раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур Фармони билан:

2018 йилда қуйидаги қўшимча дам олиш кунлари белгиланганлиги:

2 январь – сешанба;

20 март – сешанба;

31 август – жума.

2018 йилда қуйидаги дам олиш кунлари кўчирилганлиги:

6 январь – шанба 3 январь – чоршанбага;

17 март – шанба 19 март – душанбага;

24 март – шанба 22 март – пайшанбага;

25 август – шанба 23 август – пайшанбага;

26 август – якшанба 24 август – жумага;

8 сентябрь – шанба 3 сентябрь – душанбага;

15 сентябрь – шанба 4 сентябрь – сешанбага;

29 декабрь – шанба 31 декабрь – душанбага.

Қуйидагилар белгиланганлиги:

бюджет ташкилотларида қўшимча дам олиш кунлари ҳар йилги меҳнат таътилининг давомийлигини уч иш кунига қисқартириш ҳисобига қопланади, ҳар йилги меҳнат таътили даврида сақланадиган ўртача ойлик иш ҳақи миқдорини ҳисоблашда меҳнат таътилининг амалда давомийлиги ҳисобга олинади, унга ушбу Фармоннинг 1-бандига мувофиқ белгиланган қўшимча дам олиш кунлари қўшилади;

бюджет ташкилоти ҳисобланмаган ташкилотларда ушбу Фармоннинг 1-бандига мувофиқ қўшимча дам олиш кунлари меҳнат таътиliga қўшимча бошқа кунлар билан бир қаторда ташкилотнинг молиявий имкониятларидан келиб

чиққан ҳолда, меҳнат шартномалари ёки иш берувчи томонидан касаба уюшма кўмитаси билан келишиб қабул қилинадиган бошқа ички ҳужжатларда белгиланади;

ҳар йиллик меҳнат таътилининг давомийлиги қисқартиришни ҳисобга олган ҳолда 15 иш кунидан кам бўлмаслиги кераклиги инобатга олинсин.

3. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари С.Кўчқоров, Д.Ходжихмедов, И.Носиров, У.Носиров, Т.Тожиева, Қ.Имомов, Ташкилий-назорат гуруҳи (Аминжонов), Ахборот-таҳлил гуруҳи (Садриддинов), вилоят ҳокимлиги Ишлар бошқармаси (Пўлатов), бошқармалар ва ташкилотлар, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари билан биргаликда:

аҳолининг узайтирилган байрам (дам олиш) кунларида мароқли ва фойдали дам олишини ташкил этиш бўйича тизимли чоралар кўрсинлар;

дам олиш кунларининг узайтирилишини ҳисобга олган ҳолда, вилоят аҳолиси учун ички туризм ва фаол дам олиши йўналишларини, транспорт ва меҳмонхона хизматлари учун чегирмалар берилишини ва акциялар ўтказилишини ташкил этсинлар;

байрам кунлари ўтказиладиган тадбирлар тўғрисида вилоятдаги оммавий ахборот воситалари орқали аҳолини кенг хабардор қилишни таъминласинлар.

4. Вилоят ҳокимининг ўринбосари И.Носиров Касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси вилоят Кенгаши (Саримсақов), шаҳар ва туманлар ҳокимликлари билан биргаликда:

меҳнат жамоалари ўртасида ушбу Фармоннинг мақсади, мазмун-моҳияти тўғрисида тушунтириш ишларини ташкил этиш;

узайтирилган байрам кунларида ходимлар ва уларнинг оила аъзоларининг мароқли дам олишини таъминлаш юзасидан касаба уюшмалари ташкилотларининг ишини фаоллаштириш чораларини кўрсин.

5. Мазкур Фармон бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Вилоят ҳокими

С



Ш.Ғаниев